 - Мабодо бола факат әмизибгина боқилмайдиган бўлса, унга қуйидаги суюқликларнинг биттаси ёки бир нечтасини беринг: ОРВнинг паст осмоляр эритмасини, озуқа моддалари асосида тайёрланган суюқликлар (шўрва, гуруч қайнатмаси, сут маҳсулотлари: кефир, қатик ва биолакт) ёки тоза сув.
- Паст осмоляр ОРВ эритмасини уйда бериш айниқса мухим, қачонки:
 - бола ушбу ташриф чоғида Б ёки В Режа асосида даволанган бўлса;
 - диарея кучайиб кетган пайтда, бола билан амбулаторияга яна келишнинг иложиси бўлмаса.
- ОРВ ЭРИТМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА БОЛАГА ҚАНДАЙ БЕРИШ КЕРАКЛИГИНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ. ОНАГА УЙДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН 2 ПАКЕТ ПАСТ ОСМОЛЯР ОРВ БЕРИНГ.
- ОДАТДАГИ МИҚДОРГА ҚҰШИМЧА РАВИШДА ҚАНЧА СУЮҚЛИК БЕРИШ КЕРАКЛИГИНИ ОНАГА КЎРСАТИНГ:

2 ёшгача	ичи суюқ келгандан сўнг ҳар сафар 50 - 100 мл
2 ёш ва ундан катта	ичи суюқ келгандан сўнг ҳар сафар 100 - 200 мл

Онага айтинг: – Суюқликларни пиёлада, тез-тез, майда хўплам билан берсин.
– Мабодо бола қайт қила бошласа, 10 минут кутиб турсин. Сўнг аста секинлик билан давом этсин.
– Диарея бутунлай тўхтамагунча құшимча суюқликлар беришни давом эттирисин.

2. ИЧИШГА ЦИНК ПРАПАРАТИНИ БЕРИНГ (2 ойликдан 5 ёшгача)

- ОНАГА ТУШУНТИРИНГ, ҚАНЧА МИҚДОРДА ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ БЕРИШ ЛОЗИМ:

2 ойдан 6 ойликкача	Кунига 1/2 таблеткадан 14 кун давомида
6 ойлик ва ундан катталарга	Кунига 1 таблеткадан 14 кун давомида

- ОНАГА ЦИНК ПРЕПАРАТЛАРИНИ ҚАНДАЙ БЕРИШНИ КЎРСАТИНГ:

► Гўдакларга таблеткани кичик пиёлага ёки қошиққа солинган кам миқдордаги соғилган сутда, ОРВ паст осмоляр эритмасида ёки тоза сувда эритинг.
► Бироз каттароқ ўшдаги болаларга таблеткани чайнашга бериш мумкин ёки қошиқдаги кам миқдордаги тоза сувда эритинг.
► ЦИНК препаратларини тўлиқ 14 кун давомида қабул қилиш зарурлигига онанинг эътиборини қаратинг.

3. ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ (ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ схемасига қаранг)

4. БОЛА БИЛАН ҚАЧОН ҚАЙТИШ КЕРАКЛИГИНИ БИЛИШ (ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ схемасига қаранг)

Б РЕЖА: Ўртача сувсизланишни ОРВ ёрдамида даволанг

Паст осмоляр ОРВни тавсия этилган миқдорда 4 соат давомида бериб туринг

БИРИНЧИ 4 СОАТ ДАВОМИДА БЕРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОРВНИНГ ПАСТ ОСМОЛЯР ЭРИТМАСИНГ МИҚДОРНИ АНИҚЛАНГ

ВАЗНИ	< 6 кг	6 - <10 кг	10 - <12 кг	12 - 19 кг
ЁШИ*	4 ойликкача	4 ойлиқдан 12 ойликкача	12 ойлиқдан 2 ёшгача	2 ёшдан 5 ёшгача
МЛда	200 - 400	400 - 700	700 - 900	900 - 1400

**Боланинг вазни номаълум бўлсагина ёшидан фойдаланинг. Боланинг вазнини (кг да) 75 га кўпайтириши йўли билан ОРВнинг паст осмоляр эритмасининг миқдорини аниқлаши мумкин.*

- Мабодо, бола жадвалда кўрсатилганидан кўпроқ ОРВнинг паст осмоляр эритмасини ичишни хоҳласа, кўпроқ беринг.
- 6 ойлиқдан кичик бўлган, кўкрак сути эммайдиган болаларга, шу вақт (4 соат) ичидা 100 - 200 мл тоза сув ҳам беринг.

ОНАГА ФАРЗАНДИГА ОРВ НИНГ ПАСТ ОСМОЛЯР ЭРИТМАСИНИ ҚАНДАЙ БЕРИШ КЕРАКЛИГИНИ КЎРСАТИНГ.

- Суюқликларни пиёлада, тез-тез, қултумлаб беринг.
- Мабодо, бола қайт қила бошласа, 10 минут кутиб туринг. Сўнг аста-секин давом этинг.
- Бола қайси вақтда хоҳламасин, уни эмизишни давом эттиринг.

4 СОАТДАН СЎНГ:

- Боланинг аҳволини қайта баҳоланг ва сувсизланиш даражасини таснифланг.
- Даволашни давом эттириш учун мос келадиган режани танланг.
- Болани амбулаториянинг ўзида овқатлантира бошланг.

МАБОДО ОНА ТИББИЙ МУАССАСАНИ ДАВО ТУГАГУНЧА ТАРК ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛСА:

- ОРВ эритмасини уй шароиттуда қандай тайёрлаш кераклигини унга кўрсатинг.
- 4 соатлик давони уйда тугатиш учун болага қанча ОРВнинг паст осмоляр эритмасини бериш кераклигини онага кўрсатинг.
- ЦИНК препаратини беринг:

2 ойдан 6 ойликкача - кунига 1/2 таблеткадан 14 кун давомида;

6 ойлик ва ундан катталарага - кунига 1 таблеткадан 14 кун давомида.

ОНАГА ЦИНК ПРЕПАРАТИНИ ҚАНДАЙ БЕРИШНИ КЎРСАТИНГ:

Гўдакларга: таблеткани кичик пиёлага ёки қошиққа солинган кам миқдордаги соғилган сутда, ОРВнинг паст осмоляр эритмасида ёки тоза сувда эритинг.

Бироз каттароқ ёшдаги болаларга таблеткани чайнашга бериш мумкин ёки қошиқдаги кам миқдордаги тоза сувда эритинг.

ЦИНК препаратларини тўлиқ 14 кун давомида қабул қилиш зарурлигига онанинг эътиборини қаратинг.

Онага уйда даволашнинг 4 қоидасини тушунтиринг:

1. ҚЎШИМЧА СУЮҚЛИКЛАР БЕРИШ;
2. ИЧИШГА ЦИНК ПРЕПАРАТЛАРИНИ БЕРИШ
3. ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ;
4. БОЛА БИЛАН ҚАЧОН ҚАЙТИШ КЕРАКЛИГИНИ БИЛИШ

Таклиф этилган суюқликлар бўйича А Режага қаранг

Овқатлантириш бўйича **ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** схемасига
каранг

В Режа: ОГИР СУВСИЗЛАНИШНИ ТЕЗ ДАВОЛАНГ

ЙЎНАЛИШ ЧИЗИФИ БЎЙЛАБ “ҲА” - БЎЛСА – ЎНГГА ҚАРАНГ, “ЙЎҚ” - БЎЛСА ПАСТГА ҚАРАНГ

ШУ ЕРДАН БОШЛАНГ

Вена ичига суюқлик юборишни зудлик билан бошланг
оласизми?

ҲА ➔

ЙЎҚ

Яқин орада вена ичига
суюқлик юбориш
мумкинми?
(30 минут оралигидаги)

ҲА ➔

ЙЎҚ

Регидратация учун
назогастрал зонддан
(НГ) фойдаланишини
биласизми?

ҲА ➔

ЙЎҚ

Бола ича оладими?

ҲА ➔

ЙЎҚ

ЗУДЛИК билан вена
ичига ёки назогастрал
зонд билан суюқлик
юбориш учун
касалхонага юборинг

- Вена ичига суюқлик юборишни зудлик билан бошланг. Бола суюқлик ича олса, венага суюқлик юбориш билан бирга ОРВ ичишга беринг. Рингер-Лактат эритмасини (у бўлмаса физиологик эритмани) 100 мл/кг ҳажмда куйидагича юборинг:

ЁШИ	Аввал 30 мл/кг беринг:	Сўнг 70 мл/кг беринг:
1 ёшгача бўшлган болалар (12 ойликдан кичик)	1 соатда*	5 соатда
1 ёшдан катта болалар (12 ойликдан 5 ёшгача)	30 минутда*	2 1/2 соатда

* Пульси аниқланмаса ёки суст бўлса кайтаринг.

- Боланинг ахволини ҳар 1-2 соатда баҳолаб туринг. Гидратация ахволи яхшиланмаса, вена ичига юборишни тезлаштиринг.
- Бола ича олиши билан ОРВ беринг (тахминан 5 мл/кг/соат): одатда 3-4 соатдан сўнг (1 ёшгача болалар) ёки 1-2 соатдан сўнг (1 ёшдан катта болалар).
- Кўяқрак ёшидаги боланинг ахволини 6 соатдан сўнг, 1 ёшдан катта боланинг ахволини эса 3 соатдан сўнг кайта баҳоланг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Даволашни давом эттириш учун мос келадиган (А, Б ёки В) режани танланг.

- Зудлик билан касалхонага вена ичига қўйиш учун юборинг.
- Бола ича олса, онасига ОРВ эритмасини беринг ва йўлда култумлатиб, тез-тез ичиришини кўрсатинг.

- ОРВ эритмаси билан регидратацияни зонд орқали (ёки оғиз орқали) бошланг: соат мобайнида 20 мл/кг/соат миқдорида 6 соат давомида беринг (хаммаси бўлиб 120 мл/кг).
- Бола ахволини ҳар 1-2 соатда қайта баҳолаб туринг:
 - Болада қайт қилиш ёки корин шиши кўпайса, суюқлик беришини секинлаштиринг.
 - 3 соадан сўнг гидратация холати яхшиланмаса, болани вена ичига даволаш учун юборинг.
- Боланинг ахволини 6 соатдан сўнг қайта баҳоланг. Сувсизланиш даражасини таснифланг. Сўнг даволашни давом эттириш учун мос келадиган (А, Б ёки В) режани танланг.

ИЗОХ:

- Иложи бўлса болани, регидратация тугагандан сўнг, онаси оғиз орқали ОРВ эритмаларини бериб, гидратацияни саклаб қола олишига ишончингиз комил бўлгунча, камида 6 соат давомида кузатинг.

ДИАРЕЯДА ҚЎШИМЧА СУЮҚЛИКЛАР БЕРИБ, ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ

(ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ схемасидаги
ОВҚАТЛАНТИРИШ тавсияларидан
фойдаланинг)

**ҲАР БИР БОЛАНИ
РИСОЛАДАГИДЕК
ИММУНИЗАЦИЯ ҚИЛИНГ**

КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ОЛИБ БОРИНГ

- > Кейинги ташриф билан келган болага, касаллик бошланишидаги баҳолашга ва таснифлашга мос равища, қуидаги рамкалардаги маслаҳатлардан фойдаланиб, ёрдам беринг.
- > Мабодо, болада янги муаммо пайдо бўлган бўлса, **БАҲОЛАНГ ва ТАСНИФЛАНГ** схемасида кўрсатилганидек, баҳоланг, таснифланг ва даволанг.

ПНЕВМОНИЯ

2 кундан сўнг:

Текшириб кўринг, болада умумий хавф белгилари борми?
Баҳоланг, йўтал ва нафас олишнинг қийинлашуви
схемасига қаранг борми?

БАҲОЛАНГ
VA
ТАСНИФЛАНГ

Сўранг:

- Боланинг нафас олиши секинлашдими?
- Иситма пасайдими?
- Боланинг иштаҳаси яхшиландими?

Даволаш:

- Агар қўкрак қафасининг тортилиши ёки бирор бир умумий хавф белгиси кузатилса, гентамицина ва ампициллининг бир дозасини мускул орасига юборинг. Сўнг, ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг.
- Агар тезлашган нафас сақланиб қолган ва ҳарорат, иштаҳа ўзгармаган бўлса, болага антибактериал препарат - гентамицин ва ампициллин бериб, касалхонага юборинг.
- Нафас олиши секинлашиб, ҳарорат пасайиб ва боланинг овқатланиши яхшиланган бўлса, антибактериал препаратнинг 5 кунлик курсини охиригача етказинг.

ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ

5 кундан сўнг:

Сўранг:

- Диарея тўхтадими?
- Бир кунда боланинг ичи неча марта суюқ келади?

Даволаш:

- Агар, **диарея тўхтамаса** (боланинг ичи бир кунда 3 марта ва ундан кўпроқ суюқ келса), боланинг ахволини тўлиқ қайтадан баҳоланг. Керакли давони ўтказинг (масалан, сувсизланишни даволанг) ва касалхонага юборинг.
- Агар, **диарея тўхтаган бўлса** (боланинг ичи бир кунда 3 мартадан кам суюқ келса), онага болани ёшига мос равища тавсия этилган овқатлантиришни маслаҳат беринг ва 14 кунгacha витаминлар, минералларни (цинк қўшиб) беришни давом эттиргинг.

КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ОЛИБ БОРИНГ

- > Кейинги ташриф билан келган болага, касаллик бошланишидаги баҳолашга ва таснифлашга мос равиша, қуидаги рамкалардаги маслаҳатлардан фойдаланиб, ёрдам беринг.
- > Мабодо, болада янги муаммо пайдо бўлган бўлса, **БАҲОЛАНГ ва ТАСНИФЛАНГ** схемасида кўрсатилганидек, баҳоланг, таснифланг ва даволанг.

ИСИТМА

Агар иситма 2 кундан кўпроқ сақланиб қолса:

Боланинг ахволини тўлиқ қайта баҳоланг → **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасига каранг.
Иситманинг бошқа мумкин бўлган сабабларини баҳоланг.

Даволаш:

- Агар болада умумий хавф белгиларидан бири ёки энса мускулларининг ригидлиги бўлса, ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК сифатида даволанг, антибактериал препаратнинг биринчи дозасини беринг ва зудлик билан билан касалхонага юборинг.
- Агар болада иситманинг бошқа сабаблари бўлса, даволанг.
- Агар иситма 7 кундан кўп кузатилса, текширишга юборинг.
- Агар болада иситманинг бошқа сабаблари бўлмаса, онасига иситма кузатилган тақдирда, 2 кундан сўнг қайтиб келишини маслаҳат беринг.

СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ

2 кундан сўнг:

Томоқ билан боғлиқ муаммоларни қайта баҳоланг → **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасига каранг.

Боланинг ҳароратини ўлчанг.

Даволаш:

- Агар бола ича олмаса ёки ҳарорати юқори бўлса ($38,5^{\circ}$ С ёки юқори), ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг.
- Агар боланинг ҳарорати пасаймаган ва томоғи ҳамон оғриб турган бўлса, уни поликлиникага текширишга юборинг.
- Агар боланинг ҳарорати пасайган, томоқ оғриғи камайган бўлса, орал антибактериал препаратни ва томоқни юмшатувчи хавфсиз воситани 10 кун давомида беринг.

ОҒИЗ ВА КЎЗГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚ

2 кундан сўнг:

Кўриб чиқинг, кўзларнинг қизариши ва йиринглашуви борми?
Кўздан кечиринг, оғизда яралар борми?
Оғзидан ҳид келяптими?

Кўз инфекциясини даволанг:

- Агар қўз йиринглашган бўлса, онасидан унинг қандай даво қилганини айтиб беришини илтимос қилинг. Даволаш тўғри бўлишига қарамасдан, кўзларнинг йиринглаши давом этса, болани касалхонага юборинг. Агар нотўғри даволанган бўлса, онага тўғри даволашни ўргатинг.
- Агар кўзларнинг йиринглашиши ўқолиб, факат қизариш сақланиб қолган бўлса, даволашни давом эттиринг.
- Агар кўзларнинг йиринглаши ва қизариши кузатилмаса, даволашни тўхтатинг.

Оғиздаги яраларни даволаш:

- Агар яралар катталашса ёки оғиздан сассиқ ҳид келса, болани касалхонага юборинг.
- Агар оғиздаги яралар ўзгаришсиз қолса ёки яхши бўла борса, даволашни тенг баробар эритилган, яъни 0,25%ли генцианвиолет билан 5 кунгача давом эттиринг.

ОВҚАТЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

5 кундан сўнг:

Овқатлантириши қайта баҳоланг → **МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** схемасининг юқори кисмидаги саволларга қаранг.

Биринчи ташриф пайтида аниқланган овқатлантириш муаммолари ҳакида сўранг.

- Онага барча янги аниқланган ёки сақланиб қолаётган овқатлантириш муаммолари бўйича маслаҳат беринг. Мабодо, Сиз овқатлантиришга мухим ўзгаришлар киритмоқчи бўлсангиз, онадан болани қайта олиб келишини сўранг.
- Боланинг вазни ёшига нисбатан кам бўлса, онасидан биринчи ташрифдан 14 кундан сўнг вазн назорати учун қайтиб келишини сўранг.

КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ОЛИБ БОРИНГ

- > Кейинги ташриф билан келган болага, касаллик бошланишидаги баҳолашга ва таснифлашга мос равиша, қуидаги рамкалардаги маслахатлардан фойдаланиб, ёрдам беринг.
- > Мабодо, болада янги муаммо пайдо бўлган бўлса, **БАҲОЛАНГ ва ТАСНИФЛАНГ** схемасида кўрсатилганидек, баҳоланг, таснифланг ва даволанг.

ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ИНФЕКЦИЯСИ

5 кундан сўнг:

Кулок билан боғлиқ муаммони қайта баҳоланг → **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасига қаранг.
Бола танасининг ҳароратини ўлчанг.

Даволаш:

- Боланинг қулоги орқасида оғриқли шиш ёки юқори иситма ($38,5^{\circ}\text{C}$ ёки юқори) бўлса, ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг.
- Агар қулокдаги оғриқ ёки йиринг оқиши сақланиб колса, кўлланилаётган антибактериал препарат билан кўшимча 5 кун даволанг. Кулокни пилик билан куртишини давом эттиринг. Онага қайта кўрикка яна 5 кундан сўнг келишини тушунтиринг: боланинг аҳволи қайта кўриқда ўзгаришсиз бўлса ёки оғирлашган бўлса, болани мутахассисга юборинг.

ҚУЛОҚНИНГ СУРУНКАЛИ ИНФЕКЦИЯСИ

5 кундан сўнг:

Кулок билан боғлиқ муаммони қайта баҳоланг → **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасига қаранг.

Бола танасининг ҳароратини ўлчанг.

Даволаш:

- Боланинг қулоги орқасида оғриқли шиш ёки юқори иситма ($38,5^{\circ}\text{C}$ ёки юқори) бўлса, ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг.
- Онани қулокни пилик билан тўғри куритаётгани ва оғлоксацин томчиларини кунига 3 марта томизаётганини текширинг. Онани давони давом эттиришга унданг.
- Кулок **огримаётган ёки оқмаётган** бўлса, тўғри даволагани учун онани мақтанг. Онага антибактериал давонинг 14 кунлик курсини тўлиқ тугатишини маслаҳат беринг (оғлоксацин кулок томчилари билан).
- Агар қулокдан оқиш давом этаётган ёки оғирлашган бўлса, болани мутахассисга юборинг.

КАМҶОНЛИК

14 кундан сўнг:

- Темир препараторини беринг. Онасидан 14 кундан сўнг кўшимча темир препараторини олиш учун келишини сўранг.
- Темир препараторини ҳар 14 кунда, 2 ой мобайнида беришни давом этинг.
- 2 ойдан сўнг бола кафтларининг оқлиги сақланса, уни текшириш учун юборинг.

КАМВАЗИЛИК

14 кундан сўнг:

Болани тортиб кўриб, вазни ёшига мос келадими ёки йўқми, аниқланг.
Овқатлантиришни қайта баҳоланг → **МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** схемасининг юқори қисмидаги саволларга қаранг.

Даволаш:

- Боланинг вазни ёшига мос келса, онани мақтанг ва даволашни давом эттириш кераклигини тушунтиринг.
- Боланинг **вазни ҳали ҳам ёшига мос бўлмаса**, онага овқатлантиришнинг барча аниқланган муаммолари бўйича маслаҳат беринг. Онасидан бола билан 1 ойдан сўнг қайтиб келишини сўранг. Бола яхши овқатланиб, мунтазам равиша вазн кўша бошламагунча ёки вазни ёшига мос келмагунча, ҳар ойда кўриқдан ўтказиб туринг.

Истисно:

Мабодо, Сиз боланинг **овқатланишини яхшиланишига шубҳа қиласангиз, ёки бола вазн ийқота бошлиса**, болани касалхонага юборинг.

МАБОДО, БИРИНЧИ ТАШРИФ ЁКИ УШБУ ТАШРИФ АСОСИДА,
КЕЙИНГИ ҚЎШИМЧА ТАШРИФЛАРГА ЭҲТИЁЖ СЕЗСАНГИЗ,
ОНАГА КЕЙИНГИ ТАШРИФ ВАҚТИНИ АЙТИНГ.

ШУНИНГДЕК, ОНАГА ҚАЧОН ЗУДЛИК БИЛАН ҚАЙТИБ КЕЛИШ
ЗАРУРЛИГИНИ ТУШУНТИРИНГ.
(**МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** схемасига қаранг)

ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

ОВҚАТЛАНИШ

2 ёшгача бўлган боланинг овқатланишини баҳоланг (ёки боланинг вазни ёши учун кам бўлса, ёки камқонлиги бўлса)

Бола одатда ва касаллик пайтида қандай овқатланиши тўғрисида саволлар бериб кўринг. Онанинг жавобларини овқатлантириш бўйича боланинг ёшига мос тавсияларга солиштириб чиқинг.

СЎРАНГ:

Болани эмизасизми?

- ▶ Агар бола эмизиладиган бўлса, СЎРАНГ:
 - ◆ Кунига неча маҳал?
 - ◆ Кечаси ҳам эмизасизми?
- ▶ Бола бошқа бирор хил овқат ёки суюқлик олиб турадими?
 - ◆ Қандай овқат ёки суюқликларни олади?
 - ◆ Кунига неча маҳал?
 - ◆ Болани овқатлантиришда нимадан фойдаланасиз?
- ▶ Агар боланинг вазни ёши учун кам бўлса, СЎРАНГ:
 - ◆ Ҳар сафар бериладиган овқатнинг ҳажми қанча?
 - ◆ Бола ўзига берилган овқатнинг ҳаммасини ейдими?
 - ◆ Болани ким ва қандай қилиб овқатлантиради?
- ▶ Боланинг овқатланиши касаллик вақтида ўзгардими?
 - ◆ Агар ўзгарган бўлса, қандай ўзгарди?

Соғлом ва касал болани овқатлантиришга доир тавсиялар

6 ойгача бўлган болалар

Фарзандингизни
6 ойлик (180 кунлик)
бўлгунча фақат кўкрак
сути билан боқинг.



- Гўдак қанча марта хоҳласа, шунча маротаба, кечаю кундузи, 24 соат ичиди камидаги 8 марта эмизинг.
- Гўдак очлик белгиларини (харҳаша қила бошлайди, бармоқларини сўради ёки қимирлатади) намойиш эта бошлиши билан эмиза бошланг.
- Ҳар бир эмизиш пайтида гўдакни битта кўкракни тўлиқ эмишга ундан туринг, шундан кейингина иккинчи кўкракни беринг.
- Гўдакка бошқа овқат ва суюкликларни берманг. Кўкрак сути гўдакнинг қорнини тўйдиради ва чанқофини босади.

Чой берманг!

6 ойдан 12 ойча бўлган болалар

Гўдак қанча марта
хоҳласа, шунча марта
эмизинг!

- 6 ойликдан бошлаб кўшимча овқат бера бошланг. Овқатнинг фақат бир турини беринг. Бошқа овқат



турини беришдан олдин, янги овқатни яхши ҳазм қилаётганига ишоч ҳосил килиш учун, 3-4 кун кузатинг. Ривожланишига боғлиқ холда кўшимча овқат ҳажмини хам кўпайтириб боринг, тез-тез эмизини давом эттириng.

- 6-8 ойликдан бошлаб кунда 2-3 маҳал 2-3 ош қошиқдан қуюқ бўтқа ёки турли хил пюрелардан бера бошланг, ва аста -секин ярим пиёлагача етказинг.
- 8 ойликда унга мустақил овқатланиши учун руҳсат бериб, ёрдамлашиб туринг. Унинг иштаҳасига караб, асосий овқатланишлар орасида 1-2 марта тамадди қилиб олишига кўмаклашинг.
- 9-11 ойлигига овқатлар кунда 3-4 марта, ярим пиёладан берилиши, улар оралиғида 1-2 марта тамадди қилиб олиши лозим. Болани ўз косачаси ёки ликобчасидан овқатлантириng. Қайнатиб совутилган сув таклиф этинг, аммо ичишга мажбурланг.

Чой берманг!

12 ойдан 2 ёшгача бўлган болалар

Болани у неча марта хоҳласа,
шунча марта эмизинг! Болага оила дастурхонидан кунига 5 марта, ҳар сафар етарли



микдорда - камидаги 1,5 стакан, яъни 300 мл ҳажмда қўйидагилардан иборат овқат бериб туринг:

- гўшт, сабзавот, угра солиб пиширилган, нон тўғралган куюқцина шўрвалар;
- палов ёки шовла;
- лағмон;
- ковурдоқ ёки димлама;
- сут солиб пиширилган манная бўтқаси; гуруч, қорабугдой, сули бўтқалари;
- тухум;
- нон ёки патир, ёхуд булкача билан қатик;
- творог, сузма ёки чакка;
- мевалар;
- ичимликлар: қайнаган сув, мева сувлари, компот, қатик, сигир сути.

Чой берманг!

2 ёшли ва ундан катта болалар

Болани оила дастурхонидан олинадиган овқатлар билан кунига 3 маҳал овқатлантириng. Бундан ташқари,



овқат маҳаллари оралиғида болага куйидаги маҳсулотларни бериб туринг (2-нунушта ва тушлиқдан кейинги овқат тариқасида), масалан:

- сабзавот ва мевалар (сабзи, помидор, картошка, лавлаги, карам, бодринг, олма, нок, шафтоли, қулупнай, ги-лос, узум);
- нон билан қатик, тандир сомса, гумма сомса;
- ичимликлар: қатик, қайнаган сув, мева суви, компот, сигир сути;

Буларни ҳар сафар бироз тўлмаган 2 стакан (350 мл) микдорда беринг;

Боланинг ширинлик (конфет, печенье, шоколад) ейиши ва сотиладиган газли ичимликлар ичишини чеклаб кўйинг.

Чой берманг!

Чўзилувчан диарея билан оғриган болани овқатлантиришга доир тавсияномалар

- Агар бола эмизиб бокиладиган бўлса, уни тез-тез ва узокроқ вақт давомида, кундузи ҳам, кечаси ҳам эмизиб туринг.
- Агар бошқа турдаги сутлар билан озиқланса:
 - уларни бермай, болани бир қадар тезроқ эмизиб туринг ЁКИ
 - уларнинг ўрнига қатик, кефир, биолакт сингари ферментланган сут маҳсулотларини беринг ёки БЎЛМАСА,
 - сүтнинг ярмини сабзавот пюреси, картошка, сабзи, қовоқ ва шовла сингари озука моддаларига бой овқат билан алмаштириng.
- Бошқа маҳсулотлар хусусида боланинг ёшига караб берилган тавсияларга амал қилинг.
- Болага витаминаларни (цинк кўшиб) 14 кун давомида беринг.

Овқатлантириш муаммолари юзасидан онага маслаҳат беринг

Агар бола юкоридаги тавсиядагидек овқатлантирилмаётган бўлса, она билан овқатланиш буйича сұхбат ўтказинг. Бундан ташқари:



- Агар она кўкрак билан эмизишда қийинчиликларга дуч келганлигини айтса, кўкрак билан эмизишни баҳоланг (*ГЎДАК* схемасига қаранг). Зарур бўлса эмизиш вақтида болани кўкрак олдида тўғри жойлаширишни ва кўкракка тўғри тутишни онага кўрсатинг.



- Агар боланинг ёши 6 ойга тўлмаган бўлса ва у кўкрак сутини ўрнини босувчилар билан ёки бошқа турдаги маҳсулотлар билан овқатлантирилаётган бўлса:
 - Онани унинг кўкраги болага керакли миқдорда сут ишлаб чиқара олишига ишонтиринг.
 - Онага эмизишни тез-тез ва давомийли давом эттиришни ва кўкрак сути ўрнини босувчи ёки бошқа турдаги маҳсулотлар ҳажмини аста-секин камайтириб боришни маслаҳат беринг.



- Агар она бошқа турдаги сут маҳсулотларини беришга мажбур бўлса, унга қуидагича маслаҳат беринг:
 - Болани кўкрак билан кўпроқ, кечаси ҳам эмизинг.
 - Кўкрак сути ўрнига сифатли маҳаллий кўкрак сути ўрнини босувчи аралашмани беринг.
 - Кўшимча овқатнинг тўғри ва гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда тайёрланишига ишонч ҳосил қилинг. Тайёрланган аралашмадан 1 соат давомида фойдаланинг.



- Агар бола суюлтирилган ёки суюқ бўтқа билан овқатлантирилаётган бўлса, онага қуидагича маслаҳат беринг:
 - Она тайёрламоқчи бўлган сув ёки сут миқдорига кўпроқ ёрма қўшинг.
- Агар она болани овқатлантиришда шишаҷадан фойдаланадиган бўлса:
 - Шишаҷани пиёла билан алмаштиришни маслаҳат беринг.
 - Болани пиёладан кандай қилиб овқатлантириш кераклигини онага кўрсатиб беринг.
 - Бола ёнига ўтириб, уни овқат ейишга кўндиринг.
 - Болага алоҳида ликобчада етарли миқдорда овқат боришни маслаҳат беринг.
- Агар бола касаллик пайтида овқатдан бош тортса, онага маслаҳат беринг:
 - Болани имкони борича кўкрак билан тез-тез ва узокроқ эмизинг.
 - Бола мумкин қадар кўпроқ ейиши учун унга юмшоқ ва хилма-хил, мазали ва кўнгилга ёқадиган овқат бериб туринг; овқатни кам-камдан, тез-тез бериб туринг.
 - Боланинг бурни битиб, овқатланишига ҳалал бераётган бўлса, бурнини тозаланг.
 - Бола соғайиб борган сайин иштаҳаси очилади, деб кутишни маслаҳат беринг.
- Агар боланинг иштаҳаси ёмон бўлса:
 - Болани оз-оздан тез-тез овқатлантиринг.
 - Болага бошқа суюқликлар ўрнига сут беринг, ўртача сувсизланишдаги диарея бундан истисно.
 - Болага овқатланиш оралиғида тамадди қилиб олиш имконини беринг.
 - Болага юқори калорияли маҳсулотлар беринг.
 - Иштаҳанинг ўзгаришини кузатиб туринг.
- Агар боланинг оғзида оғриқ ва яралар бўлса:
 - Болага юмшоқ консистенцияли озиқа маҳсулотларини беринг, оғиздаги яраларни оғритмаслиги учун. Масалан: тухум, картошка ёки қовоқ пюреси.
 - Аччиқ, тузланган ва нордон озиқа маҳсулотларини берманг.
 - Овқатни майда қилиб тўғранг.
 - Болага иссиқ овқат маҳсулотларини берманг.

СҮЮҚЛИКЛАР

Касаллик пайтида онага суюқликлар ҳажмини оширишни маслаҳат беринг

- ▶ **ҲАР БИР КАСАЛ БОЛА УЧУН:**
 - ◆ Агар бола эмизиб боқиладиган бўлса, уни тез-тез ва ҳар сафар узокроқ эмизинг.
 - ◆ Суюқлик ҳажмини кўпайтиринг. Масалан шўрва, гуруч қайнатмаси, қатиқ ёки тоза сув беринг.
- ▶ **ИЧИ КЕТАЁТГАН БОЛА УЧУН:**
 - ◆ Кўшимча суюқлик бериш боланинг ҳаётини саклаб қолиши мумкин. БОЛАНИ ДАВОЛАНГ схемасидаги А Режа ёки Б Режага мос равишда болага суюқликлар беринг.

ҚАЧОН ҚАЙТА МУРОЖААТ ЭТИШ КЕРАК

Тиббий ходимга қачон қайта мурожаат этиш кераклиги ҳақида онага маслаҳат беринг

КЕЙИНГИ ТАШРИФ

Онага ҳар бир касаллик учун кўрсатилган муддатдан кеч қолмай келиши кераклигини маслаҳат беринг

Агар болада:	Кейинги ташриф:
ПНЕВМОНИЯ ИСИТМА, иситма сақланиб қолаётган бўлса, ОФИЗ ВА КЎЗЛАРГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИК* СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ	2 кундан сўнг
Чўзилувчан диарея Қулоқнинг ўткир инфекцияси Қулоқнинг сурункали инфекцияси Овқатлантириш муаммолари Йўтал ёки шамоллаш, аҳволи яхшиланмаса Ўртacha сувсизланиш, сувсизланиш йўқ, аҳволи яхшиланмаса Стрептококклиз фарингит, аҳволи яхшиланмаса	5 кундан сўнг
ҚАМҚОНЛИК КАМВАЗНЛИК	14 кундан сўнг

ҚАЧОН ЗУДЛИК БИЛАН ҚАЙТИШ КЕРАК

Бола қуйидаги белгилардан бирортаси кузатилса, онага зудлик билан қайтиб келиш кераклигини маслаҳат беринг:

Ҳар қандай бемор бола	<ul style="list-style-type: none">• Ича олмаса ёки эма олмаса• Аҳволи оғирлашса
ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, ЙЎТАЛ ЁКИ ШАМОЛЛАШ бўлган	<ul style="list-style-type: none">• Нафас тезлашса• Нафас қийинлашса
ДИАРЕЯли болада шу билан бирга, агар:	<ul style="list-style-type: none">• Ахлатда қон бўлса• Ёмон ичса


*Қизамиқ аниқланса, амбулаторияда эмас уй шароитида кузатинг.

КЕЙИНГИ ПРОФИЛАКТИК ТАШРИФ: онага кейинги ташриф эмлаш календарига асосан эмлаш учун амбулаторияга қайта келишини тушуниринг.

ОНАГА УНИНГ СӨГЛИҒИ БҮЙИЧА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

- ▶ **Она касал бўлса, унга ёрдам беринг ёки муахассисга юборинг.**
- ▶ **Онада кўкрак бези билан боғлиқ муаммолар бўлса (безнинг қаттиқлашуви, кўкрак учининг яллиғланиши, кўкрак бези инфекцияси), унга ёрдам беринг ёки уни мутахассисга юборинг.**
- ▶ **Соғлигини тиклаш учун онага яхши овқатланишини маслаҳат беринг.**
- ▶ **Онанинг эмланиш статусини текширинг, зарур бўлса қоқшолга қарши эмланг.**
- ▶ **Онанинг қуидаги усул ва тавсиялар билан таниша олишига ишонч ҳосил қилинг:**
 - ▶ **Оилани режалаштириш усуллари;**
 - ▶ **Жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлар ва ВИЧ/СПИДнинг олдини олиш бўйича тавсиялар.**


Ўғил болалар Вазнни ёшга мослиги.
 Түғилишдан – 6 ойгача (Z-индекс)




Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.
 “Вазнни ёшга мослиги” “-2” чизигидан пастда бўлса - болада “камвазнлик” бор, “-3” пастда бўлса - болада озиқланишининг оғир бузилиши бор. Бундай болаларда жуда озғинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси) бўлиши мумкин

Ёши - тўлиқ ҳафта ва ойларда


Үғил болалар **Вазнни ёшга мослиги.**
6 ойликдан -2 ёшгача (Z-индекс)



Ўғил болалар **Вазнни ёшга мослиги**
2 ёшдан – 5 ёшгача (Z-индекс)




Киз болалар **Вазнни ёшга мослиги**
0–6 ойгача (Z-индекс)



Ёши - түлиқ ҳафта ва ойларда

Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.
“Вазнни ёшга мослиги”
“-2” чизигидан пастда бўлса - болада
“камвазнлик” бор,
“-3” пастда бўлса - болада
озиқланишнинг оғир бузилиши бор.
Бундай болаларда жуда озғинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси) бўлиши мумкин


Киз болалар **Вазнни ёшга мослиги**
6 ойликдан -2 ёшгача (Z-индекс)



Ёши - түлиқ ойларда ва йилда

Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.
 “Вазнни ёшга мослиги” “-2” чизигидан пастда бўлса - болада “камвазнлик” бор, “-3” пастда бўлса - болада озиқланишининг оғир бузилиши бор. Бундай болаларда жуда озгинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси) бўлиши мумкин

Қиз болалар **Вазнни ёшга мослиги**
2 ёшдан—5 ёшгача (Z-индекс)



Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.
 “Вазнни ёшга мослиги” “-2” чизигидан пастда бўлса - болада
 “камвазнлик” бор,
 “-3” пастда бўлса - болада
озиқланишнинг оғир бузилиши бор.
 Бундай болаларда жуда озғинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси)
 бўлиши мумкин

Ёши - тўлиқ ойларда ва йилда